

ЧЎЛПОН ВА МОДЕРНИЗМ

Мафтуна ХОЛОВА

*филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Самарқанда давлат чет тиллар университети*

XX аср адабиёти ўзининг услубий ва ғоявий ранг-баранглиги билан барча даврлар адабиётидан фарқ қилади. Айни пайтда, замонавий адабиёт мумтоз анъаналар бағридагина янгича тажрибаларни қўллай олиши мумкин.

Адабиётшунос У. Норматов таъкидлаганидек, “Модернизм шунчаки адабий-бадий эксперимент-тажриба, шаклий-услубий изланиш натижаси эмас, балки у дунёни, инсонни янгича кўриш, тушуниш, англаш, англантишнинг ўзига хос фалсафий-назарий асосларига эга; Шопенгауэр, Ницше, Бергсон, Фрейд, Юнг, Хайдеггер, Сартр, Камю каби ғоят хилма-хил илмий-фалсафий мактаб асосчиларининг таълимоти ёки ғоялари янгича адабий оқим, йўналишлар учун замин бўлиб хизмат қилди” (2, 237).

Ўзбек адабиётида модернизм ривожини бир маромда кечгани йўқ. Гап шундаки, модерн шеърят бизда ўтган асрнинг 20-йилларида бўй кўрсатган ва унинг усул ва йўсинларини ишлаб чиқиш ўша давр ижодкорлари чекига тушган эди. Европада илдиз отиб дунё бўйлаб кенг ёйила бошлаган модернизм экинлари тароватини ўтган аср бошларида қисман маърифатпарвар адибларимиз, кейинчалик жаҳид эстетикаси вакиллари томонидан яратилган асарларда сезиш мумкин. Адабиётимизда нафақат ғоя ва мазмунда, балки тилда, шамойилда, вазнда, бадий воситаларда ҳам янгиликларга йўл очиш вазифасини ўтган аср бошларида Абдулхамид Чўлпон ҳамда Абдурауф Фитрат ўз зиммаларига олдилар. Ўзларигача амалда бўлиб келган шеър ҳақидаги таъриф ўша давр ижод аҳлини қониқтирмай қўйган эди. Чунки дунёнинг бошқа илғор ўлкалари адибларининг ижод маҳсуллари билан таниша бошлаган, улардаги турличаликни, “кишиларнинг қонини қайнатғувчи, сингирларини ўйнатғувчи, миясини титратғувчи, сезгусини кўзғатғувчи бир куч”ни ҳис қилган шоирларимиз туркий шеър тараққиётини янги бир ўзанга буриш палласи келганлигини англаб етган эдилар. Шундай бўлдики, Чўлпон ўзининг “кўнгил янгилик қидирадир” деган ёзғиришларида, Фитрат ўзининг “Адабиёт қоидалари”да туркий шеърга янгиланиш кераклигини, уни тақлиддан қутқариш лозимлигини, шеърга янги нафас, янги таърифлар зарур бўлаётганлигини уқтира бошладилар. XX аср бошларига келиб бармоқ собит вазнга айланди ва янги

шеърий тизим сифатида унинг ритмик хусусиятларини ишлаб чиқишга киришилди. Мисра, хижо, туроқ каби ритмик бирликлар бармоқ шеър тизимидаги асос сифатида қабул қилинди”(1,149-158). Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту каби шоирларимизнинг ушбу йўлдаги уринишлари бармоқ вазни имкониятларининг кенглигини кўрсатди. Фитратнинг “Биз ҳам шеърни вазн ва қофиядан иборат деб билсак, чин шеърга яқинлаша олмаймиз. Чин шеър юрак сезгуларини кўрсатмакдир. Вазн ва қофия эса, сўзнинг бегагидир” (1), деган сўзлари ўзбек жаҳид шоирлари учун дастуриламал бўлди.

Чўлпон бетакрор шахсияти ва шеърияти билан ҳозирда модерн деб аталаётган ўзбек шеъриятининг тамал тошини қўйди. У пайтлари илгарилаб бораётган Ғарб адабиёти вакиллари билан ижодий беллашиш, дунёни англаш ва англатиш борасида баҳслашиш анчагина мушкул эди. Аммо Чўлпон бунга муваффақ бўлди. Рус, немис тилларини ўрганган Чўлпон ғарб шоирлари шеърларини маҳорат билан таржима қилди. Сафо Очил ўзининг “Орзулар кўкидаги шафақлар” китобида бу ҳақда шундай таъкидлайди: “Ўзбек халқи немис адиби Ҳайнрих Ҳайне асарларини асосан, рус тили орқали ўқишга муяссар бўлди. Шоирнинг жозибадор поэзияси 20-йиллардан бошлаб ўзбек тилига таржима қилина бошланди. Буюк ўзбек шоири ва адиби Абдулҳамид Чўлпон Ҳайненинг биринчи таржимонларидан ҳисобланади. У немис шоири шеърларининг нозик томонларини ҳам тушунади ва нафис дид билан таржима қилади.

Ҳамма эснаб турди, кулоқ солмади,
Қайғумни гапириб берган вақтимда.
Мени алқамаган киши қолмади,
Қайғумни назмга терган вақтимда.

Чўлпоннинг таржимасини бизда мавжуд рус тилидаги барча таржималари билан солиштириб кўрдик. Бироқ у рус тилидан эмас, балки немис тилидан таржима қилган, деган хулосага келдик. Чунки Чўлпон таржимаси шеър оҳанги, ритми, мазмуни, мисралар руҳи ва бошқа томонлари билан шу даъвомизни тасдиқлайди. Чўлпон фақат қофиялашда эркин иш тутган” (3).

XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарбда символизм тараққий эта бошлади. Бу янгиланиш дастлаб француз шеъриятида бўй кўрсатди. Пол Верлен, Артур Рембо каби шоирлар рамзлар тили орқали тасвирлаш йўлини тутдиларки, бу йўналиш кейинчалик бошқа халқлар, хусусан, рус шеъриятига ҳам кўчди. А.Белий, А.Блок, О.Мандельштам, В.Брюсов, А.Ахматова, М.Цветаева каби шоирлар символизм воситасида рус шеъриятини юксак поғонага кўтардилар. Абдулҳамид Чўлпон ана шу ўзгаришлардан воқиф эди, албатта.

Рус символизми асосчиси А.Блок шеърлари Чўлпон ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Гарчанд мазмунда ҳали ҳам мумтоз шеърият анъаналаридан

озикланса-да, Чўлпон шаклда Европа шоирлари тажрибаларига таянди. Шоирнинг бу йўлдаги уринишлари хали сархил меваларининг ҳаммасини бермасдан туриб, шўро тузумининг тоталитар сиёсати туфайли катағонга учради.

Адабиёт илмининг нуқтадони Ойбек ўша йиллари Чўлпонни миллатчи, ватанпараст, бадбин зиёлиларнинг шоири деб атаган Олим Шарафиддиновга қарши ёзган мақоласида бу айбномага қуйидагича эътироз билдиради: “Чўлпон бизнинг ҳозирги адабий эҳтиёжимизга жавоб беролмас деб ундан қўл йиғамизми? Менимча, бу нарса хато. Бу кун рус биродарларимизга қарасак, улар Пушкинни қандай севганлигини кўрамыз. Пушкинни рус ишчиси, комсомоли, фирқалиги, олими – ҳаммаси севади, ҳаммаси ўқийди. Пушкин инқилобдан сўнг ҳам Пушкин бўлиб қолди... Ҳозирги йўқсил ёшлар унга яна катта қиймат берадилар. Уни ўқиб, асарларининг гўзаллигида чўммак истайдилар... Биз ҳам Чўлпондан қўл торта олмаймыз. Чўлпон янги адабиётда янги нарсалар яратди. Мувашшаҳ адабиёти ўрнига бу куннинг бадиий завқига яраша ёқимли, гўзал шеърлар ўртага чиқарди. Бугунги ёш насл унинг содда тилини, тотли услубини, техникасини кўп севади. Ундан кўп гўзалликлар олади. Чўлпоннинг мафкураси эмас, балки яратган бадиий намуналари ўқилади, воз кечилмайди” (4). Кўринганидек, ушбу мақоласида Ойбек ўзбек адабиётига Чўлпон олиб кирган янгиликларни тўғри таъкидлайди. Ҳақиқатан, эски шеърят ҳам шаклда, ҳам мазмунда замондан ортда қолаётган эдики, бу ҳол миллий адабиётимиз тараққиётига раҳна солиши мумкин эди. Чўлпон ва Фитрат буни яхши англашар, шунинг учун ҳам миллий адабиётни модернизация қилишга тиришардилар. Бу икки адибнинг буюк хизматлари шунда эдики, уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли шеър тили, услуби, техникаси янгиланди. Қувонарлиси, модерн шоирлар санъат бўстонида ёлғиз эмас эдилар, адабий-эстетик тафаккурдаги ўзгаришларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари улкан истеъдод соҳиблари бор эди.

Чўлпоннинг миллий шеърятни янгилашдаги хизматлари унинг туйғуларни, ҳис-кечинмаларни оддий баён қилишдан кўра жонли ифодалаши, тасвирлашида кўринади. Ғарб модернистларида бўлганидек, у кўпроқ нарса-ҳодисани идрок қилиш ва нафис чизгилар воситасида беришга ҳаракат қилади. Арузнинг азалий анъанавий оҳангларига кўниккан шеърят ихлосмандларини унинг “ғайритабиий” шеърлари таажублантиради:

Чўлпон ўз ижодида ҳаёт нашъу намоларидан завқланиб яшаш ғоясини илгари суради. Унинг учун фақат табиат синоатлари эмас, балки инсон ичкараси ҳақида фикрлаш кизиқарлироқ эди. Шу маънода шоир мумтоз адабиёти намояндалари ижодини қунт билан ўрганди, уларга эргашиб ғазаллар ҳам ёзди.

Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,

Қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку...

қабалидаги шохбайтлари билан мумтоз шеър сир-асрорларидан бохабарлигини кўрсатди. Чўлпон шеърларининг самимиятини таъминлаган омил шоир тилининг жозибалигидир. Чўлпон учун реал борлиқдан кўра хаёллар олами гўзалроқдир:

Хаёл, хаёл...

Ёлғиз хаёл гўзалдир.

Ҳақиқатнинг кўзларидан қўрқаман,

Хаёлдаги юлдузларким, амалдир,

Оловимни алар учун ёқаман.

Гўзал хаёл, кел бошимда гул ўйнат,

Маним истак-тилагимни эркалат!

деганида шоир тасаввур оламининг ана шундай ботиний кенгликларини, кўз илғамас сарҳадларини назарда тутган бўлса, ажабмас.

Адабиётнинг асрий аънаналари ва қўзғалмас қонунларига яхши маънода тажовуз қилган, ўз моҳиятига кўра глобал эксперимент саналадиган модернистик матнни тушуниш муаммоси унинг заминиде қисман хилма-хил декларациялар, манифест ҳамда мактабларнинг мавжудлиги туфайли замонавий адабиёт назариясида узил-кесил ҳал қилинмаган. Модернизм, бу – ҳам адабий оқим, ҳам ўзларининг дастурий кўрсатмалари билан кўпинча бир-бирига зид қатор мактаблар адабий фаолиятида инъикосини топган эстетик тизимдир. Бадиий-эстетик тафаккурдаги бундай янгиланишлар адабиётимизда авваламбор Чўлпон, Фитрат сингари шоирларимиз ижодий услубларига хос бадиий тил ва тафаккурнинг синтезида, қарашлар, баҳолар, туйғуларнинг товушлар, ҳидлар ва ранглар билан полифоник уйғунлигида намоён бўлган эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Болтабоев Ҳ. Модернизм ва янги ўзбек шеърляти //Жаҳон адабиёти. – 2007. № 2.
2. Норматов У. Ижод сеҳри. – Тошкент: Шарқ, 2007.
3. Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
4. Ойбек. Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак? // Қизил Ўзбекистон, 1972, май.